

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“O’zbekgidroenergo” АЖнинг ягона
акциядорининг 2017 йилдаги
31 августдаги қарори билан

“O’ZBEKGIDROENERGO” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ИЧКИ НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ

г. Ташкент – 2017г.

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР.....	3
II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАЪРИФИ ВА МАҚСАДЛАРИ.....	3
III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	4
IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.....	5
V. ИЧКИ НАЗОРАТГА МАСЪУЛ ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР.....	6
VI. ИЧКИ НАЗОРАТНИ ТАДБИРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ.....	7
VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	8

УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

1. Ушбу ички назорат тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда - Низом) Ўзбекистон Республикаси қоунлари, Жамият устави, Корпоратив бошқарув кодекси, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссияси 31.12.2015 йилдаги 9-сонли йиғилишининг баённомаси билан тасдиқланган корпоратив бошқарув Кодекси ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом ички назорат системасини мақсад ва заифаларини, унинг фаолият тамойилларини, шунингек, унга жавобгар Жамият органларини ва шахсларини белгилайди.

ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАЪРИФИ ВА МАҚСАДЛАРИ

3. Ички назорат – Жамият мақсадларига эришишга нисбатан асосланган ва етарли тасдиқни олишган мақсадида, Жамият фаолиятига асосланаган хавфларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишга қаратилган узулуксиз давом этадиган жараён бўлиб, қуйидагича тасдиқланади:

- фаолият самарадорлиги ва унумдорлиги, шу жумладан фаолият самарадорлиги даражаси, фойда олиш ва активларни ҳимоялаш;

- молиявий ҳисоботларнинг ишончилиги ва тўғрилиги;

- Жамият фаолияти қонунчилик ва ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги;

4. Ички назорат тизими- бу ички ҳужжатларда белгиланган, Жамиятда тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, Бошқарувчилар кенгаши, Бошқарув ва барча даражалардаги ходимлар (матн бўйича – ички назорат субъектлари) томонидан барча вазибалари бўйича ташкил этилган ва амалга оширилган ташкилий тузилма, назорат чоралари, ички назорат тадбирлари ва усулларининг мажмуидир. Жамиятнинг ички назорат органлари аъзоларига малака талаблари уларнинг фаолияти тўғрисидаги низомларда белгиланиши мумкин

5. Ички назорат тадбирлари – бу Жамият тафтиш комиссияси, Бошқарувчилар кенгашининг аудит бўйича қўмитаси, Бошқарувчилар кенгаши, Бошқаруви, шунингдек ички назоратни амалга ошириш ваколатига эга Жамиятнинг таркибий бўлинмалари (матн бўйича – Жамият таркибий бўлинмалари) томонидан амалга ошириладиган ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятни юритганда қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари бузилишини аниқлашга, белгиланган мақсадларга Жамиятнинг эришиш самарадорлигини баҳолашга, шунингдек ички назорат тадбирларини амалга ошириш жараёнида ички назорат субъектларининг ўзаро муносабатларига қаратилган чоралар мажмуидир.

6. Ички назоратнинг асосий мақсади акциядор қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ҳисобланади.

7. Ички назорат оператив тарзда қуйидагиларни таъминлайди

Жамият активларини сақлаш, ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланишни;

Жамият ички хужжатлари ва қонунчилик талабларига риоя этишни;
Жамиятнинг узоқ ва ўрта муддатдаги ривожланиш стратегиясини ҳамда бизнес режаларини бажаришини;

Жамиятнинг бухгалтерия хужжатлари, молият ҳисоботларни ва бошқарув маълумотларни ишончлигини ва тўлиқлигини;

Жамият фаолиятида хавф-хатар пайдо бўлиш пайтида уни аниқлаш, идентификациялаш ва таҳлил қилишни;

Жамият фаолиятидаги хавф-хатарларни режалаштириш ва бошқариш, шунингдек, хавф-хатарларни бошқариш бўйича ўз вақтида ва ўхшаш (адекват) қарорларни қабул қилишни;

Истеъмолчилар ва бизнесда Жамият яхши образини сақлаш ва ўрнатишни;

Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқарув аъзоларига ҳақ ва копенсация тўловларини мослиги, шаффофлиги ва холислигини.

ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

8. Жамиятнинг ички назорат тизими қуйидаги тамойилларга асаланеди:
узлуксиз фаолият кўрсатиш – Жамиятга ички назорат тизимининг доимий ва тўғри фаолият кўрсатиши меъёрлардан ҳар қандай четга чиқишларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни келгусида пайдо бўлишини олдини олиш имкониятини беради;

ички назорат тизимининг барча қатнашчилари ҳисобдорлиги – назорат функцияларининг ҳар бир шахс томонидан бажарилиш сифати ички назорат тизимининг бошқа қатнашчиси томонидан назорат қилинади;

мажбуриятлар тақсимооти – Жамият назорат функцияларининг такрорланишига йўл қўймасликка интилади ва ушбу функциялар ишчилар ўртасида шундай тақсимланиши лозимки, айнан бир шахс активлар бутлигини таъминлаш ва уларни хатловдан ўтказиш, операцияларни ҳисобга олиб, муайян активлар операцияларини тасдиқлаш билан боғлиқ функцияларни бирлаштириб олиб бормаслиги;

операцияларни тўғри маъқуллаш ва тасдиқлаш – Жамият барча молиявий-хўжалик операцияларни ваколатли шахслар томонидан уларга тегишли ваколатлари доирасида тасдиқлаш тартибини ўрнатишга интилади

ҳар кунлик ички назоратни амалга оширувчи Жамиятнинг таркибий бўлинмасининг тузулмавий ажралиб туришини таъминлаш ва унинг функцияси бевосита кузатув кенгашига ҳисобот беришлиги;

назорат функцияларини тўғри бажараётганлиги учун Жамиятда ишлаётган ички назоратнинг барча субъектлари масъуллиги;

Жамиятнинг барча бўлинмалари аниқ ўзаро ҳамкорлик асосида ички назоратни амалга оширади;

Доимий ривожланиш ва такомиллаштириш - янги вазифаларни ҳал қилиш, тизимнинг ўзини кенгайтириш ва такомиллаштириш заруриятини ҳисобга олган ҳолда мослашиши мумкин бўлган Жамият ички назорат

тизимини мослашувчан тарзда созлаш учун шароитларни таъминлашга интилади;

Камчиликлар (оғишликлар) ҳақидаги хабарларни ўз вақтида етказиш – Жамиятда Камчиликларни (оғишликлар) бартараф қилиш бўйича қарорларни қабул қилиш ваколатига эга шахсларга тегишли маълумотларни етказиш бўйича максимал қисқа муддатлар белгиланган

назорат ўрнатиладиган Жамият фаолиятининг муҳим соҳаларини белгилаш – ҳатто уларнинг фаолияти самарадорлигини ўлчаш (“ҳаражатлар – иқтисодий самара” нисбати) оғир бўлсада, ички нazorat тизими қамраб оладиган стратегик йўналишлар ажратилади.

ИЧКИ НАЗОРAT ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

9. Ички нazorat тизими қуйидаги ўзарo бoғлиқ компонентларни ўз ичига олади:

Жамиятнинг одоб-ахлоқ кадриятлари ва ходимлари ваколати, бошқарув сиёсати, раҳбарият томонидан ваколат ва мажбуриятларни тақсимлаш усуллари, ташкилот тузилмаси ва ходимлар малакасини ошириш, шунингдек Бошқарувчилар кенгаши томонидан раҳбарлик ва бошқарувни ўз ичига олувчи нazorat муҳити

хавф-хатарни баҳолаш – муайян вазифаларга эришишда турли хил даражада ўзарo бoғлиқ ва ички кетма кетликдаги тегишли хавф-хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилишни ифодалайди;

раҳбариятнинг қарорлари бажарилаётганлигини қафолатлашга ёрдам берувчи сиёсат ва тадбирларни жамлаган ва бир қатор турли хил ҳаракатларни, булар: маъқуллашлар, санкциялар, тасдиқлашларни бериш, текшириш ўтказиш, жорий фаолиятни нazorати, активлар хавфсизлиги қафолати ва ваколатларни тақсимлашни ўз ичига олган нazorat қилиш бўйича фаолият;

ўз вақтида ва самарали маълумотларни аниқлашга, уларни рўйхатга олишга ва улар билан алмашишга қаратилган ахборотлар таъминоти ва маълумотлар алмашиш бўйича фаолият, шу жумладан барча ички нazorat субъектларида Жамиятда қабул қилинган ички нazorat сиёсати ва тадбирлари ҳамда улар ижросини таъминлаш бўйича тушунчани шакллантириш мақсадида маълумотлар алмашишнинг самарали каналларини барпо этиш. Жамият маълумотга рухсатсиз киришдан ҳимоялаш чораларини кўради

мониторинг - вақт ўтиши билан тизим фаолиятининг сифати баҳоланадиган бошқарув ва нazorat функцияларини ўз ичига олувчи жараёндир. Ички нazorat тизимини баҳолаш молиявий ҳисоботлар ҳаққонийлигига таъсир этувчи хатоликлар пайдо бўлиш эҳтимолини аниқлаш, ушбу хатоликларни муҳимлигига ойдинлик киритиш ва белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлашда ички нazorat тизими имкониятини аниқлаш учун ўтказилади. Жамиятда ички нazorat тизими самарадорлигини баҳолаш учун Бошқарувчилар кенгаши таклифи асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан мустақил профессионал ташкилот – маслаҳатчи жалб қилиниши мумкин.

ИЧКИ НАЗОРАТГА МАСЪУЛ ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР

10. Ички назорат Жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижро органи раҳбарлари, ички аудит хизмати шунингдек барча даражадаги Жамиятнинг бошқа ходимлари томонидан амалга оширилади ва ўз навбатда ҳар бири ички назорат учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

11. Жамиятда фаолият кўрсатаётган бўлинмаларнинг функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, компенсациялар ва тўланаётган ҳақларни ҳисоблаш тартиби Жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган. Ички назорат масалаларига тўғри ёки билвосита даҳлддор бошқа ҳужжатлар каби ушбу ҳужжатлар мазкур Низомга зид бўлиши мумкин эмас.

12. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти назорат қилинишини тизимли тарзда таъминлаш мақсадида ички назорат тадбирларини ўтказиш Жамиятнинг ваколатли бўлинмаси – ички аудит хизмати, ушбу хизмат бўлмаган ҳолларда эса ички назоратга масъул бўлган Жамият тафтиш комиссияси томонидан Жамиятнинг бошқа органлари ва таркибий бўлинмалари билан биргаликда амалга оширилади.

13. Кузатув кенгаши функцияларига кейидагилар киради:

ички назорат тизими стратегияси ва белгиланган операцияларни тасдиқлаш ҳамда ривожланиш йўналишларини белгилаш;

Жамият бошқарув аъзолари, ташқи ва ички аудиторлар, тафтиш комиссиясининг мунтазам ҳисоботларидаги ва бошқа манбалардаги маълумотларга ҳамда ички назоратнинг барча томонлари бўйича ўз кузатишларига жумладан молиявий, операцион, қонунчиликга риоя қилиш, ички сиёсатлар ва тадбирлар назоратига асосланган ички назорат тизими ишончлилиги ва самарадорлиги бўйича ўтказилган таҳлил ва баҳолаш натижалари тўғрисида ҳар йили Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида ахборот бериш;

ички назоратга жавобгар Жамият таркибий бўлинмасининг тузилмасини ва таркибини белгилаш;

ички назорат тадбирларини мунтазам такомиллаштириш.

постоянное совершенствование процедур внутреннего контроля.

14. Молиявий ҳисоботларни ҳаққонийлиги ва тўлиқлилиги устидан назоратни ташкиллаштирилишига, Жамият ички назорат тизимини ишончлилиги ва самарадорлигига жавобгарлик Кузатув кенгашига юклатилади, унинг аҳамияти, мақсади, вазифалари ва ваколатлари Жамият кузатув кенгаши тўғрисидаги низомида белгиланади.

15.

Унинг фаолият кўрсатиши учун жавобгарлик кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Жамият ички назорат соҳасидаги сиёсатга мувофиқ Жамият ижро органи раҳбарига юклатилади.

Жамият ижро органи раҳбари ички назорат тизими тадбирларини жорий қилади ва кузатув кенгашини Жамиятнинг барча хавф-хатарлари, ички назорат тизимининг муҳим нуқсонлари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича режалар ва чора-тадбирлар натижалари ҳақида хабардор қилган ҳолда унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди.

16. Турли даражадаги таркибий бўлинмаларнинг ходимлари (шу жумладан раҳбарлари) ўз ваколат доирасида назоратни амалга ошириш бўйича стратегиялар ва тадбирларни батафсил ишлаб чиқишда бевосита қатнашади. Уларнинг мажбуриятларига ғайри оддий ҳолатлар ва муаммоларни, юзага келишига қараб, удалаш киради. Ходимлар муҳим масалалар ёки аниқ битимлар бўйича вужудга келган хавф-хатарлар ҳақида Жамиятнинг юқори турувчи раҳбариятини хабардор қиладилар

17. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти ва унинг алоҳида таркибий бўлинмалари устидан назоратни амалга ошириш бўйича жавобгарлик доимий фаолият юритувчи ички назорат органи - тафтиш комиссиясига юклатилади, унинг аҳамияти, мақсади, вазифалари, ваколатлари тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомида акс эттирилган.

18. Ички назорат тадбирлари бажарилиши, яъни Жамият (унинг таркибий бўлинмалари) амалга ошираётган молиявий-хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Жамият уставига мувофиқлиги, шунингдек бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларининг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги устидан мунтазам назоратни амалга ошириш бўйича жавобгарлик ички аудит хизматига юклатилади, унинг аҳамияти, мақсади, вазифалари ва ваколатлари ички аудит хизмати тўғрисидаги низомида акс эттирилган.

Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

19. Ички аудит хизмати ички назорат тизими ва ички аудит натижалари тўғрисида кузатув кенгаши олдида ҳисобот беради. Ички аудит хизмати кузатув кенгашига бўй сунади.

20. Қўйидаги шахслар Жамиятнинг ички аудит хизматида лавозимларни эгаллашга ҳақли эмас:

- иқтисодий соҳада ва тартибга қарши жиноят учун судланганлик ҳолати тугалланмаган шахслар;

- Жамият ижро органининг аъзолари ва раҳбари;

- Жамиятнинг рақиби ҳисобланадиган бошқа юридик шахснинг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси), раҳбари ёки ижроия органи аъзоси ёхуд ходими бўлган шахслар

- Ички аудит хизмати таркибига кирувчи шахсларга бошқа талаблар Бошқарув кенгаши қўмитаси томонидан белгиланиши мумкин.

21. Ички назорат тизими лозим даражада фаолият кўрсатиши ходимларнинг профессионал савиясига ҳам боғлиқ. Жамият кадрларни танлаш, ишга қабул қилиш, ўқитиш, тайёрлаш ва ходимларни хизматда юқори мансабга кўтариш тизими уларнинг юқори малакасини ва улар юқори одоб-ахлоқ стандартларга риоя қилишини таъминлашга ҳаракат қилмоқда

ИЧКИ НАЗОРАТНИ ТАДБИРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

22. Жамият ички назорат тадбирлари қўйидагиларни ўз ичига олади

Жамиятни турли хил бошқарув даражаларида ўзаро боғлиқ ва қарама-қарши бўлмаган мақсад ва вазифаларни аниқлаш;

Жамият фаолияти мақсадларига эришишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган потенциал ва мавжуд оператив, молиявий, стратегик ва бошқа хавф-хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

ички назоратнинг муҳим компонентларини баҳолаш;

бизнес-жараёнлар ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари фаолияти мезонларини белгилаш ва самарадорлигини баҳолаш;

ўтган даврнинг таққосланадиган маълумотлари ёки кутилаётган фаолият натижалари билан молиявий ва бошқа маълумотларни солиштириш йўли билан кўриб чиқиш;

воқеалар, операциялар ва транзакциялар ҳисобини юритиш мос усулларидан фойдаланиш;

активлар бутлигини текшириш;

ички назорат тадбирларини тегишли равишда ҳужжатлаштириш;

ички назорат тизими сифатини мунтазам баҳолаш

Жамиятнинг барча ходимларига ички назорат соҳасида уларнинг мажбуриятларини етказиш;

Жамият ходимлари орасида муҳим вазифаларни тақсимлаш (шу жумладан операцияларни маъқуллаш ва тасдиқлаш, операциялар ҳисобини юритиш, ресурсларни бериш, сақлаш ва олиш, операцияларни таҳлил қилиш ва текшириш);

фақат тегишли ваколатларга эга шахслар томонидан операцияларни тасдиқлаш ва амалга ошириш;

ички назорат мақсадларига эришиш учун бошқа зарур тадбирлар;

23. Ички назорат тадбирларини амалга ошириш чоғида назорат қилиш, кузатиш, тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш усуллари, шунингдек ички назорат тадбирларини амалга ошириш учун зарур бошқа усуллар қўлланилади.

ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

24. Мазкур Низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

25. Ушбу Низомга қўшимчалар ва ўзгартиришлар Жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзолари, ташқи аудитор, ички аудит хизмати, Бошқарув раиси ва аъзолари таклифига кўра киритилади.

26. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлари ўзгариши оқибатида ушбу Низомнинг баъзи моддалари уларга зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва Низомга ўзгартиришлар киритилгунга қадар Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларига амал қилади.